

Абдиева Феруза Рахимжоновна,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-10>

ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар мавқеи, уларнинг сиёсий фаоллиги борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда мазкур йўналишда мавжуд муаммолар ва уларнинг сечимлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: парламент, ҳукумат, давлат хизмати, сиёсий партия

Абдиева Феруза Рахимжоновна,

Докторант Академии Государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

ПОЛИТИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ ЖЕНЩИН В ПРОЦЕССЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА

Аннотация: в данной статье исследованы текущие реформы по положению и политической активности женщин в Республике Узбекистан, также изучены проблемы в данной сфере и пути их решения.

Ключевые слова: парламент, правительство, государственная служба, политическая партия

Abdieva Feruza Rakhimjonovna,

PhD student of the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

POLITICAL ACTIVITY OF WOMEN IN THE PROCESS OF MODERNIZATION OF SOCIETY

Annotation: The article reveals the current role of women and implementations to increase their activities in the political affairs in the Republic of Uzbekistan. Moreover, it focuses on the problems in this sphere and ways to solve them.

Key words: parliament, government, civil service, political party

For citation: Abdieva Feruza Rakhimjonovna. POLITICAL ACTIVITY OF WOMEN IN THE PROCESS OF MODERNIZATION OF SOCIETY. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 74-80

Инсоннинг сиёсий фаоллигини таъминлаш ва давлат тузумини ислоҳ этиш, халқчиллаштириш масаласи барча даврларда ҳам асосий масала ҳисобланган. Хусусан, XX аср хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинлиги, сиёсий фаоллиги ва салоҳиятларини намоён эта олишига хизмат қиладиган давр бўлди. Айнан ушбу асрда хотин-қизлар минг йиллик орзулари моҳиятига айланиб улгурган сиёсий ҳуқуқларига эришдилар. Бу хотин-қизларга нисбатан салбий қарашларни тубдан ўзгартириб, эркаклар ва аёлларнинг мақоми тенглаштирилди. Улар оилавий ҳаёт билан бирга давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бугунги кунда фаол ва ташаббускор хотин-қизларни ҳоқимият вакиллик органларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, давлат бошқаруви тизимига ижтимоий-сиёсий фаол аёлларни жалб этиш давлат сиёсатининг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг бўш лавозимларига хотин-қизларни тавсия этиш ва тайинлаш учун номзодлар захирасини пухта ишлаб чиқиш, уларни асослаш ва кўриб чиқиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат билан хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасидаги масалаларга мантиқий ечим берилди.

Аёлларнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалаларга давлат томонидан ижобий баҳо берилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганлиги, шу билан бирга, жамиятимиз аёллари ҳам бундай эътиборга "лаббай" деб жавоб бераётганликларидан далолатдир. Таъкидлаш жоиз, хотин-қизларимизнинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида фаол иштирок этишлари учун зарур замин яратилиши, шунингдек, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳамда касбий маҳоратларини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши юртимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил вазифалар амалга оширилиши режалаштирилганини билдиради.

Маълумки, фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутлади. Айнан сиёсий партиялар кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини уюштирувчи, уларда жамият ва давлат ишларини бошқаришга қизиқиш уйғотувчи институтлардир. Маданий бошқариш ва ҳоқимият учун курашишнинг бошқа кўринишлари гайриқонуний ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар зиммасига, қонунлар доирасида, ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориш юклатилган. Куйида эътиборингизни жамиятимиздаги аёлларнинг сиёсий фаоллиги бўйича аниқланган статистик маълумотларга қаратмоқчимиз.

Хусусан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон аёллари - 2017: ижтимоий мавқе ва кайфият" мавзусида сўров ўтказилган. "Сиз айнан қандай жамоатчилик ёки сиёсий ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этяпсиз?" деган саволга респондентларнинг 66,5%и

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлимларида, 14,6%и ёшларнинг жамоатчилик ташкилотларида, 6,0%и ҳокимият органларида (вилоят, шаҳар ва туман бошқарувида), 5,3%и сиёсий партияда, 3,5% нотижорат ноҳукумат ташкилотларида, деган жавобларни берганлар. Респондентларнинг 4,1%и саволга жавоб беришга қийналганликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларига мувофиқ, хотин-қизлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва хотин-қизлар кенгашлари, хотин-қизлар қўмитасининг минтақавий бўлимлари ишида иштирок этадилар. Сўровда аниқланишича, ушбу органларда асосан 50 дан 60 ёшгача ва ундан катта ёшдаги аёллар қўмита аъзолари ва фаоллари сифатида ишлайдилар. Сўров натижалари қиёсий таҳлилининг кўрсатишича, хотин-қизларнинг сиёсий партиялар ва хотин-қизлар ННТлари ишида иштирок этиш даражаси тегишлича 3,1% дан 5,5% гача ва 1,2% дан 3,5%гача ўсган (1-расм).

1-расм. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон аёллари - 2017: ижтимоий мавқе ва кайфият" мавзусида ижтимоий сўров натижалари



Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий партиялар фаолиятида кенг иштирок этаётганини кузатамиз. Масалан, ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг 36 %и, "Адолат" социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоларининг 41 %и, "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоларининг 29%и, Либерал-демократик партияси сиёсий бюроси ижроий қўмитаси аъзоларининг 42 %ини хотин-қизлар ташкил қилади.

2017 йилнинг август ҳолатига қўра, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг умумий аъзолари сони 200 мингга яқин бўлиб, уларнинг 94 мингдан зиёдини, яъни 47,7 фоизини аёллар ташкил қилади. 2008 йилнинг 21 июнидан партия раҳбар органлари таркибида Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси раисининг хотин-қизлар масалалари билан ишлаш бўйича раис ўринбосари лавозими жорий этилган. Ҳозирги вақтда республика бўйича маҳаллий партия ташкилотларида раҳбар лавозимида 43 нафар хотин-қиз фаолият юритиб келмоқда. ЎзМТДПнинг республика бўйича ташкилий тузилмаси таркибида штат ва жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган 1140 га яқин ходимнинг 466 нафарини, яъни қарийб 41 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Айни кунда партия тизимларида 5694 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса, ушбу ташкилот раисларининг 2780 нафари (48,8 фоизи) хотин-қизлардан иборат.


Жаҳон тажрибасига назар ташласак, дунёнинг кўпгина давлатлари парламентида аёллар улуши ортиб бораётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, парламент ва ҳукуматдаги (яъни вазир лавозимларида) аёлларнинг мавқени қиёсий таҳлил қилсак, Руанда парламентида - 61,3%, ҳукуматида - 51,9%, Куба парламентида - 53,2%, ҳукуматида - 25%, Боливия парламентида - 53,1%, ҳукуматида - 14,3%, Мексика парламентида - 48,2%, ҳукуматида - 42,1%, Швеция парламентида - 47,3%, ҳукуматида - 54,5% аёл хизмат қилади.

2-расм. Парламентдаги аёллар иштироки (Қонунчилик ҳокимияти миқёсида) дунёнинг турли минтақаларида (% , 2015), ва Ўзбекистонда (% , 2017)

Дунёнинг турли минтақалари	Аёллар %
Шимолӣ Европа давлатлари	41,1%
Шимолӣ ва Жанубий Америка	27%
Европа (ЕХХТ давлатлари)	25,7%
Африка	23,3%
Араб давлатлари	19,3%
Осиё	19,1%
Ўзбекистон	16% (2017)

Манба: ЕХХТ нинг "ЕХХТ минтақасида хотин-қизлар сиёсатда иштирок этиши: ривожланган давлатлар тажрибаси тўплами" ҳақидаги маърузасидан

3-расм. Ижро ҳокимиятидаги аёллар иштироки (вазирлик миқёсида) 15 та ривожланган давлатларда (% , 2015), ва Ўзбекистонда (% , 2017)



Манба: Inter-Parliamentary Union по странам мира http://archive.ipu.org/pdf/publications/wmmmap15_en.pdf Данные по Узбекистану за 2017 год.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, сиёсатдаги аёлларнинг роли жамиятда қарор топган дунёқарашдан келиб чиқади. Шундай экан, аёлларнинг сиёсат ва бошқарувдаги роли ортиб бориши жамиятнинг модернизация қилишдаги муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ҳукумат даражасида аёлларга кўп ҳолларда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот вазирликлари ишониб топширилаётганлиги фикримизга далил бўла олади. Айтиш жоиз, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда аёллар ўзларининг ички кечинмаларидан келиб чиқиб, муайян воқеликларнинг бевосита иштирокчиси сифатида турли масалаларга атрофлича ёндашиш имконига эга. Чунки аёлларнинг ҳаётида учрайдиган айрим масалалар, нафақат оддий фуқаро ҳаётида, балки давлат хизматида фаолият юритаётган хотин-қизлар турмушида ҳам учраб туради. Бундан ташқари, давлат бошқарувида аёлларнинг фаоллиги муайян муаммоларнинг ечимида муҳим ўрин тутиши баробарида келгуси ўсиб келаётган ёш авлод келажаги учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Хусусан, сиёсий фаоллик аёллардан билим, салоҳият, ҳар томонлама етуқликни талаб этади. Чунки раҳбар аёлда стратегик режани тўғри ва мақсадли тузиш, бошқарувда демократик, авторитар, либерал бошқарув усулларидан ўринли фойдаланиш, ҳиссиётни бошқариш, таваккалчиликдан қочиш, нутқ маданияти, маънавий ва ақлан етуқлик, ташкилотчилик, коммуникативлик кўникмалари мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашнинг мураккаблиги шундан иборатки, бу масалага ҳар бир халқ ўзининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлари, миллий ўзига хослиги, маънавий қадриятларидан келиб чиқиб ёндашади ҳамда маълум мезонларга асосланади. Яъни давлат томонидан ўрнатилган меъёрлар билан бирга, халқ орасида сақланиб келган урф-одатлар ҳам амал қилиб келади. Инсоннинг маънавияти даражаси ота-онага ҳурмат, хотин-қизларнинг аҳволи ва уларга бўлган муносабат билан ўлчанади.

Аёл-депутатларнинг парламент ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларида иштирок этиши жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалага сиёсий-ҳуқуқий адабиётларда кўплаб фикр-мулоҳазалар учрайди. Хусусан, уларда хотин-қизлар ва эркакларнинг устувор манфаатларидаги фарқлар ҳақида таҳлилий маълумотлар учрайди. Масалан, хотин-қизлар экология, соғлиқни сақлаш, болалар ҳимояси, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларга кўпроқ диққат қилсалар, эркакларни ушбу йўналишдаги муаммолар ҳар доим ҳам ўйлантирмайди. Чунки иккала жинс вакиллари ҳар хил тажриба, билим, кўникма ҳамда ҳис-туйғуларга эга бўлиб, уларнинг қарашларидаги тафовутни инобатга олиш ва бу борада мустаҳкам давлат сиёсатини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув инсон салоҳиятидан тўғри ва самарали фойдаланиш механизминини яратишга имкон беради.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини камлигининг сабаби қуйидагилардан иборат:

- давлат бошқаруви соҳасида раҳбар аёлларни тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги;
- "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуннинг мавжуд эмаслиги сабабли давлат бошқаруви органларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини кафолатловчи тамойилларнинг йўқлиги;

- хотин-қизларнинг қуйидан энг юқори лавозимларгача кўтарилишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Шунингдек, тегишли тадқиқотларда, Ўзбекистонда жамият ҳаётининг сиёсат соҳасида хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишига, жамият ва давлат ишларини бошқаришда эркеклар билан тенг ҳуқуқли иштирок этишига монелик қиладиган қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларга фақат уй бекаси деб қарашга оид эскича ақидалар, (қизларни муайян мутахассислик бўйича қобилиятини намоён қилишга эмас, асосан оилавий ҳаётга тайёрлаш, фарзанд тарбияси, эри билан муомалага ўргатиш);

- хотин-қизлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг суствлиги, уларнинг ўз севган касби билан шуғулланишни исташи, лекин раҳбарлик лавозимларига интилмаглиги кузатилади, чунки бундай интилиш кўпгина ҳолларда атрофдагилар, жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмайди;

- гарчи аёллар етарлича таълим олган, ақл-заковатли, юқори лавозимларда ишлашни истаса-да, уларнинг уй-рўзғор юмушлари, бола тарбияси билан банд бўлиши, ўз оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилиши, эркеклар оила ташвишларидан ўзини олиб қочиши, хотин-қизларнинг ўз сиёсий мақсадларини амалга ошира олмаглигига сабаб бўлади;

- аёлларнинг уй-рўзғор муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган ижтимоий хизматлар сонининг етарли эмаслиги, таклиф қилинаётган хизматларнинг қимматлиги, давлат тасарруфидаги мактабгача тарбия муассасалари сонининг камайиши аёлларнинг давлат ва маҳаллий миқёсдаги масалаларни ҳал қилишда иштирок этиши учун монелик қилади;

- Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини, мактаб, ўрта ва олий таълим муассасаларини қамраб олган гендер таълим тизимининг тўла йўлга қўйилмаганлиги хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни борасида эскирган ақидаларнинг ёшлар онгида ҳам сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

- сиёсий партиялар, хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан парламент ва ҳукуматда раҳбарлик лавозимларида ишлай оладиган илмли, ақл-заковатли, қобилиятли хотин-қизларни қўллаб-қувватлайдиган механизм ва воситаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- давлат органлари, нодавлат ташкилотлари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, нодавлат иқтисодий тузилмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг гендер тенглиги масалаларига доир зарур билимга эга эмаслиги ҳам хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларига кам ўтишининг сабабларидандир;

- кучли ва омадли аёл андозаларининг йўқлиги ва ҳ. к.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин:

биринчидан, "Давлат хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, унда хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилишини назарда тутиш лозим;

иккинчидан, давлат хизматчиларини саралаш учун маълум бир имтиҳонлар асосидаги тизимни ишлаб чиқиш, ундан муваффақиятли ўтган аёлларни раҳбар лавозимларга тайинланиши қафолаганини лозим;

учинчидан, "Давлат хизматидаги хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш дастури" ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий қилиш зарур.

тўртинчидан, Давлат бошқарувида хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

бешинчидан, давлат органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари раҳбарлари томонидан парламент ва ҳукуматда раҳбарлик лавозимларида ишлаб оладиган хотин-қизларни қўллаб-қувватлайдиган механизм ва воситаларни ишлаб чиқиш, яъни хотин-қизларни қўллаб-қувватлайдиган раҳбарни тақдирлаш;

олтинчидан, раҳбар аёлларни тайёрлаш учун Давлат бошқаруви академиясида махсус ўқув курслари ташкил этиш,

еттинчидан, хотин-қизларнинг қуйидан энг юқори лавозимларгача кўтарилишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг ишлаб чиқиш;

саккизинчидан, аёлларни раҳбарлик даражасига мос ёки мос келмасликларини баҳолаш учун компетенцияларни аниқлаш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш;

тўққизинчидан, аёлларнинг уй-рўзғор муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган ижтимоий хизматлар сонининг ўсиши учун тадбиркор аёлларни янада қўллаб-қувватлаш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. "Ўзбекистон хотин-қизлари-2017: ўзини ижтимоий ҳис қилиш ва ижтимоий кайфият" мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови натижалари бўйича "Ижтимоий фикр" марказининг ахборот-таҳлилий маърузаси. (Information-analytical report of the Center "Social Thought" on the results of a public opinion poll on the topic "women and girls of Uzbekistan-2017: Social feeling and social mood")

2. Отамуродов С. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни. // республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент "Akademnashr"-2017 й. 9-19-бетлар (Atamurodov S. The role of political parties in ensuring the rights and interests of women. // collection of materials of the Republican scientific-practical conference. Tashkent "Akademnashr" -2017 9-19 pages)

3. Султанова Ш. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари. // Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент-2017 й. 118-120-бетлар (Sultanova Sh. Topical issues of increasing socio-political activity of women. // Republican scientific-practical conference. Tashkent-2017 118-120 pages)

4. Асыянов Ш. М., Бакаева Ф. Х., Гасанов М. Ю., Исмоилов Б. И., Инакова М. М. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Тошкент-2008. Б-21-22 (Asyanov Sh. Bakaeva F.X, Gasanov M.Yu, Ismailov B.I., Inakova M.M. Improvement of organizational and legal basis for ensuring women's rights in Uzbekistan. Tashkent-2008. p-21-22)